

**AZOTOBACTER CHROOCOCCUM XH2018 ШТАММИ  
ЭКЗОПОЛИСАХАРИДИННИГ ГИДРОГЕЛЛИК ХУСУСИЯТИНИ  
БАҲОЛАШ**

*Икромов У.И., Паттаева М.А., Расулов Б.А.*

*ЎзР ФА генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,  
111226, Юқори Ўз, Қибрай тумани, Тошкент вилояти*

*E-mail: Bakhtiyor\_1980@mail.ru*

Гидрогеллар маҳсулотлари полимер бирикмалар гурӯхини ташкил қилиб, ўзига хос кимёвий тузилиши – кимёвий боғлар ва функционал гурӯхларнинг мавжуд экани уларнинг уч ўлчовли тармоқларида катта микдорда сув молекулаларини ушлаб туриш имкониятини беради [1]. Бу бирикмалар саноат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бир қатор соҳаларида кенг қўлланиши билан катта муҳим аҳамиятга эга [2].

Биоматериалларнинг гидрогел асосида сифатида танлаб олинишида энг муҳим кўрсаткич бу бўкиш хусусияти ҳисобланади. Яъни, муайян микдордаги бирикманинг қанча сув бириктира олиш имконияти асосий мезондир.

Ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсад ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) ризосфераси тупроқ намуналаридан ажратилган *A. chroococcum* XH2018 штаммининг турли ўстириш шароитларида ҳосил қилган экзополисахарид (ЭПС) намуналарининг гидрофиллик хусусиятларини таҳлил этишдан иборат. Штамм турли углерод манбалари, жумладан, сахароза ва мелассада ўзига хос шароитларда ўстирилиб, ҳосил бўлган ЭПС макромолекуласи ажратиб олинди. Тажрибалар намуналар ва уларнинг ҳосилаларининг турлича бўкувчанлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатди (жадвал). Тажрибаларда намуналарнинг турли вақт оралиғида бўкиш хусусияти тадқиқ этилди. Жумладан, *A. chroococcum* XH2018 штаммини сахароза ва мелассали озуқа

муҳитида ўстириш орқали олинган, абсолют этанол билан чўктирилган ЭПС намуналарининг хона ҳароратида қуритилганида бўкувчанлик хусусияти паст бўлган бўлсада (66 г/г дан) бироқ, ЭПС намунаси чўктирилиб, абсолют этанолда узоқ муддат сақлаш (3 ой) унинг бўкувчанлик хусусиятини кескин кучайтириб юборди. Ушбу усулда олинган ЭПС намунасининг бўкувчанлиги 102 г/г га teng бўлди ва оддий шароитда қуритилган ЭПСнинг бўкувчанлик хусусиятидан 54.54% га юқори бўлди.

**Жадвал. A. *chroococcum* XH2018 ЭПС намуналарининг ва уларнинг кальцийли ҳосилаларининг бўкувчанлик хусусияти**

| Намуна                       | Бўкиш вақт, дақиқа |                 |
|------------------------------|--------------------|-----------------|
|                              | 30                 | 60              |
| Назорат                      | 1.62               | 1.62            |
| Az-EPS-XH2018 <sup>99</sup>  | 2.15/52            | 2.18/55         |
| Az-EPS-XH2018 <sup>101</sup> | 2.16/53            | 2.18/55         |
| Az-EPS-XH2018 <sup>1</sup>   | 2.2/57             | 2.29/66         |
| Az-EPS-XH2018 <sup>2</sup>   | <b>2.56/93</b>     | <b>2.65/102</b> |

\*Намуна оғирлиги/1 г намунага ютилган сув оғирлиги

Az-EPS-XH2018<sup>2</sup> ЭПС намунаси 3 ой давомида абсолют этанол остида сақланган

Штаммлар ЭПС намуналарининг бўкувчанлик хусусиятлари кўп омилларга боғлиқдир. Бу омиллар куйидагилар:

1. Штаммлар ўстириш жараёнида ЭПС макромолекуласи билан бирга оқсиллар ҳам ҳосил бўлиб, чўктириш жараёнида ЭПС оқсил билан бирга чўкади. Ёки, штаммлар таркибида полисахарид занжири ва оқсил сақлаган гликопротеидларни ҳам ҳосил қилиши мумкин. Бу ҳолда ЭПС макромолекуласини оқсилдан тозалаш ЭПС намунасининг бўкувчанлик хусусиятини ошириши мумкин.

2. Иккинчи омил – намуналарни куритиш. Гидрогеллар учун олинаётган полисахарид макромолекуласини вакуум остида қуритиш уларнинг бўкувчанлигини янада орттиради. Шунингдек, ЭПС таркибидаги айrim функционал гурӯхларнинг мавжудлиги ҳам бўкувчанлик хусусиятига таъсир кўрсатади.

Юқоридаги бу омилларни ҳисобга олиб штаммларнинг ЭПСлари ва уларнинг бошқа ҳосилалари бўкувчанлигини оширишда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Zhang K, Feng W, Jin C. Protocol efficiently measuring the swelling rate of hydrogels. Methods X. 2019 Dec 19;7:100779. doi: 10.1016/j.mex.2019.100779. PMID: 31993340; PMCID: PMC6974764.
2. Bakhtiyor A. Rasulov, Kahramon. D. Davranov, and Li Wen Jun, Formation of Ag/AgCl Nanoparticles in the Matrix of the Exopolysaccharide of a Diazotrophic Strain *Azotobacter chroococcum* XU1, Microbiology, 2017, 86(2), 1-6.